БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 193 (940)
27 СЕНТЯБРЬ ЖУМА 1957 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

## Саодат, мен кунига 600 килограммдан пахта теряпман, сен-чи?

ПИСКЕНТ. (Телефон орқали олинди). Пискентлик машҳур теримчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Соҳиба Ғуломхонова кеча 600 килограмм пахта терибди. Шундай қилиб унинг шу кунгача хирмонга топширган пахтаси 7,5 тоннага етди. Соҳибанинг шогирдлари С. Тожибоева, Бегматова, З. Ҳакимова, Ш. Қодирова, Ф. Ибодова, М. Эшонова, Иброҳимова, И. Санақуловалар ҳам ўз устозларининг тажрибаси асосида ишлаб кунига 300-350 килограммдан пахта териб топширмоқдалар. «Пискент» совхозининг бу чевар теримчилари ўз мажбуриятларини Улуғ Октябрь байрами кунигача адо этиш учун курашмоқдалар.

Маълумки, Соҳиба Ғуломхонова бўкалик донгдор теримчи Саодат Гулаҳмедова билан мусобақадош. Соҳиба бир кунда 600 килограмм пахта терганлиги тўғрисида хабар қилиб, Саодатнинг ҳам кунига қанчадан пахта тераётганлигини билишни ва бу тўғрида газета орқали хабар қилишни сўради. Ўртоқ Саодат Гулаҳмедова, кунига қанчадан пахта тераётганлигингизни Соҳибага билдирсангиз?

*КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советида*

## СССР халқ хўжалигини ривожлантириш перспектив планини ишлаб чиқиш тўғрисида

КПСС XX съезди СССР халқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг буюк программасини белгилаб берди. Бу программани амалга ошириш СССРнинг асосий иқтисодий вазифасини — тарихий қисқа муддат ичида аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан энг тараққий қилган капиталистик мамлакатларга етиб олиш ва улардан ўзиб кетиш вазифасини ҳал қилиш йўлида олға томон жиддий силжишни таъминлайди.

Съезддан кейин ўтган давр шу нарсани кўрсатдики, 1956-1960 йиллар мобайнида СССР халқ хўжалигини ривожлантириш олтинчи беш йиллик плани бўйича съезд томонидан қабул қилинган директивалар муваффақият билан бажарилмоқда. СССРнинг ялпи саноат маҳсулоти 1956 йилда 1955 йилга нисбатан деярлик 11 процент, 1957 йилнинг 8 ойи ичида эса ўтган йилнинг ўша даврига қараганда 10 процентдан кўпроқ ўсди.

КПСС XX съезди директиваларини бажариш давомида беш йиллик планнинг айрим тахминий топшириқларига баъзи аниқликлар киритиш зарурати туғилиб қолди. Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитетининг 1956 йил декабрь Пленуми беш йиллик план Директиваларида кўзда тутилган айрим топшириқларни аниқлаш тўғрисида кўрсатма берди, токи халқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган моддий ресурслар ва молия маблағларидан рационал ва самаралироқ фойдаланиш ҳамда уй-жой қурилиши учун қўшимча маблағлар ажратиш имкониятларига эга бўлиш мумкин бўлсин. Шу қарорга мувофиқ уй-жой қурилишининг беш йиллик плани ошириб бажарилади.

КПСС Марказий Комитетининг 1957 йил февраль Пленуми ва СССР Олий Советининг 1957 йил май ойида бўлиб ўтган VII сессияси саноат ва қурилишни бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилдилар. Бу қарорлар мамлакат халқ хўжалигининг тўхтовсиз юксалишини, хўжалик қурилишида иттифоқчи республикаларнинг ҳуқуқларини янада кенгайтиришни, раҳбарликни ишлаб чиқаришга яқинлаштиришни, ишлаб чиқаришни бошқаришда меҳнаткашлар оммасининг янада кенгроқ иштирок қилишини, коммунистик қурилишда уларнинг ижодий ташаббусини ҳар тарафлама кенгайтиришни кўзда тутади.

Шу қарорларга мувофиқ территория принципига қараб саноат ва қурилишни бошқаришни қайта қурилганлиги ҳамда иқтисодий маъмурий районларнинг Халқ хўжалиги кенгашлари ташкил этилганлиги перспектив ва жорий планлаш тартибининг тубдан ўзгартирилишини талаб қилди. Ҳозирги вақтда иттифоқчи республикалар бўйича планлаштириш, республикаларда эса илгари амалда бўлган айрим министрликлар ва бошқармалар орқали планлаштириш тартиби ўрнига иқтисодий маъмурий районлар бўйича планлаштириш алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Планлаштиришнинг янги тартиби мамлакатимизнинг жуда бой ресурсларидан тўлароқ фойдаланиш, ишлаб чиқаришнинг тўғрироқ жойлаштирилишини таъминлаш ҳамда саноатнинг бир қанча янги тармоқларини ўзлаштириш ва ривожлантириш ва айрим иқтисодий районларни комплекс ривожлантириш йўлидаги муҳим вазифаларни ҳал этиш имкониятини беради.

Сўнгги йилларда геологлар томонидан турли хом ашёнинг янги йирик конлари ва энергия манбаълари очилди. Шу ресурслар негизида олтинчи беш йиллик план Директиваларида кўзда тутилмаган янги корхоналар ва янги саноат марказлари яратиш имконияти мавжуддир. Бунинг учун олтинчи беш йилликнинг қолган уч йили камлик қилади. Бундай катта вазифаларни ҳал қилмоқ учун лоақал 5-7 йил талаб этилади.

Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети СССР халқ хўжалигини ривожлантириш перспектив планини узоқроқ муддатга тузиш зарур деб топдилар ҳамда СССР Госпланига, иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига, Халқ хўжалиги кенгашларига, СССР министрликлари ва бошқармаларига 1959-1965 йиллар учун халқ хўжалигини ривожлантириш планининг проектини ишлаб чиқишни топширдилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети перспектив план проектини тузган вақтда асосий вазифани назарга олиб иш кўриш зарур деб ҳисоблайдилар. Бу асосий вазифа — ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқаришни устун даражада ривожлантириш асосида халқ хўжалигининг барча тармоқларини янада кучли юксалтиришни таъминлашдан иборат, токи СССРнинг асосий иқтисодий вазифасини — аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан энг тараққий қилган капиталистик мамлакатларга тарихан қисқа муддатда етиб олиш ва улардан ўзиб кетиш вазифасини ҳал этишда янги катта қадам қўйилсин. Мамлакатнинг жамоат бойлиги ўсиши асосида совет халқининг моддий фаровонлиги ва маданий турмуш даражаси янада оширилиши таъминланиши керак.

Перспектив планнинг асосий вазифасини амалга оширишнинг энг муҳим шарти техникани узлуксиз тараққий эттириш, ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида илғор фан ва техника ютуқларини кенг равишда ўзлаштириш ва жорий қилиш асосида меҳнат унумдорлигини бутун чоралар билан оширишдан иборатдир. Янги перспектив план фаннинг бутун тармоқларини ривожлантириш учун, назарий тадқиқотлар ва янги йирик илмий кашфиётлар учун кенг майдон очиб бериши лозим.

Перспектив план проектида мамлакатнинг шарқий районларидаги табиий бойликларни янада кенг миқёсларда ўзлаштириш, қора ва рангли металлургияни, химия саноатини, айниқса сунъий тола ишлаб чиқаришни, озиқ-овқат хом ашёси ўрнига ишлатиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни, пластик масса ишлаб чиқариш, бошқа синтетик материаллар ҳамда сунъий чарм ишлаб чиқаришни тез суръатлар билан ривожлантириш, мамлакатни электрлаштиришни юксак суръатда олиб бориш, кўмир саноатини ва айниқса нефть ва газ саноатини янада ривожлантириш, қурилиш муддатларини қисқартиш ва кўпгина қурилиш объектларига ажратиладиган маблағларнинг майдаланиб кетишини тугатиш, уй-жой қурилиши ҳажмини анча кўпайтириш ва бу қурилиш суръатларини тезлаштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда халқ истеъмол қиладиган бошқа товарлар ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш кўзда тутилиши зарур. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш шу даражада кенгайтирилсинки, яқин йиллар ичида аҳоли жон бошига гўшт, ёғ ва сут етиштириш бўйича АҚШни қувиб етишга эришиш мумкин бўлсин.

Перспектив план проектини ишлаб чиқишни тамомлаш муддати — 1958 йил 1 июль.

# Тани-жони соғ бўлган ва юрагида ўти бўлган ҳар бир кишининг жойи ҳозирги кунда пахта даласида!



**Б. ХОЛЖИГИТОВА —**

Бекобод районидаги «Гулистон» колхозининг кунига 150-200 килограммдан ошириб пахта тераётган аъзоси.

М. Шевелев фотоси.



**Н. ҚУРБОНОВА —**

Бўка районидаги Ленин номли колхознинг чевар теримчиси. Қурбонова кунига 150-200 килограммдан пахта тераётир.

В. Салов фотоси



**Қ. ИКРОМОВА —**

Оржоникидзе районидаги Хрушчев номли колхознинг аъзоси, кунига 200 килограммга етказиб пахта тераётир.

И. Глауберзон фотоси.

## *Янгийўлда нега суръат паст?*

Ўртоқ Нортожи Азизхўжаев бошлиқ бригаданинг хирмонида одам жуда кўп. Бу ерда бригада бошлиғи ва табелчини ҳисобламасак, пахта қуритиш, қоплаш ва ҳоказо ишларни бажаришда 8 киши банд экан.

Маълум бўлишича, бригадада 70 киши бўлиб, шундан фақат 39-40 киши пахта тераётир. Улар ҳар куни 3 тоннадан ошириб пахта термоқдалар. Бу кўрсаткич яхши. Агар бригадада теримга бевосита 55-60 киши жалб этилса, ҳар куни кам деганда 5-5,5 тонна пахта териш мумкин. Аммо хирмонда 8 кишининг атиги 3 тонна пахта қуритиш билан овора қилиб қўйилишига нима дейиш мумкин?! Бу шуни кўрсатадики, бригадада мавжуд кучларнинг ҳаммаси теримга сафарбар этилмаслиги устига, кучлар жой-жойига тўғри қўйилмаган, меҳнат унумини оширишга мутлақо эътибор берилмаётир. Ана шундай аянчли аҳволни Свердлов номли колхознинг фақат шу бригадасида эмас, бошқа бригадаларида ҳам кўрамиз.

Колхознинг ҳамма бригадаларида пахтанинг очилиши кундан-кунга тезлашиб бормоқда. Уни ўз вақтида ҳеч нобуд қилмай териб олиш шу куннинг асосий вазифасидир. Илғор теримчилардан Рашида Нуралиева кунига 158, Норча Пирматова ҳатто 277, Салтанат Сотимова 134, Карима Асонова 195 килограммдан пахта териб, намуна кўрсатаётирлар. Ҳозир колхозда 56 киши кунига 100 килограммдан ошириб пахта термоқда. Демак, колхозда пахта териш суръатини кескин ошириш учун барча имконият бор. Бироқ шунга қарамасдан, колхоз раҳбарлари йиғим-теримга ажратилган кучларни ишга тўла жалб этмаганлар, меҳнатни тўғри ташкил этиш, кучни усталик билан жой-жойига қўйиш, меҳнат унумини ошириш тадбирларини кўрмаётирлар. Шунинг учун колхозда кундалик графиклар ҳам, ойлик график ҳам бажарилмай қолмоқда. Масалан, ойлик график 20 сентябргача фақат 50 процент бажарилган.

Хрушчев номли колхознинг деярлик ҳамма бригадаларида кўсаклар, айниқса, яхши очилиб кетган. Ўртоқ Котунадзе бошлиқ бригада далаларида очилиб ётган пахталар кўзни қамаштиради. Бригада аъзоларининг фидокорона меҳнат қилиб, шунчалик мўл ҳосил етиштирганликларига, шубҳасиз, қойил қоласиз. Улар, ҳар гектар ердан 31 ўрнига 38 центнердан пахта берамиз, деб ваъда қилганлар. Лекин теримнинг суръати жуда паст. Графикка мувофик ҳар куни 5600 килограмм пахта терилиши лозим бўлгани ҳолда, 1851 килограмм пахта терилмоқда. Бунинг сабаби шуки, бригадада теримга графикдаги 61 ўрнига 28 киши жалб этилган. Шунга қарамай меҳнат унуми жуда паст. Тўғри, бу ерда 9 кишининг ҳар бири 100 килограммдан пахта тераётир. Аммо кўпчилик теримчининг кундалик тераётган пахтаси 50-60 килограммдан ошмайди.

«Октябрь», «Москва» ва бошқа колхозларнинг ҳам далаларида пахта жуда яхши очилмоқда. Аммо деярлик ҳамма колхозларнинг раҳбарлари ҳозир далада очилган пахта сероб, фақат куч етишмай турибди, деган арзи-додни қиладилар. Юқорида келтирилган фактлар бундай арзи-додларнинг мутлақо ўринсиз эканлигини кўрсатади. Буни тасдиқлаш учун яна бир мисол келтириш мумкин. Янгийўл районида графикка мувофиқ шу кунларда 12 мингдан кўпроқ киши йиғим-теримга чиқиши керак. Аммо пахта тераётганлар сони 5754 кишидан ошмайди. Демак, колхозларда йиғим-терим ишларига чинакамига сафарбарлик йўқ.

Кўпгина колхоз раҳбарлари шаҳарлардан келиши кутилган кучларга умид боғлайдилар. Аммо колхоз раҳбарлари четдан келган кишилар ҳар қанча ёрдам берганида ҳам йиғим-теримнинг тақдирини асосан колхозларнинг ўзидаги куч билан ҳал этиш кераклигини унутмоқдалар. Шунинг учун Янгийўл райони пахта тайёрлашда ғоят орқада қолаётир.

Пахтани нобуд қилмаслик, унинг ҳар бир граммини ҳам сақлаб қолиб давлатга топшириш энг муҳим вазифа. Лекин бу ишга ҳам масъулиятсизлик билан қаралмоқда. Свердлов номли колхознинг олтинчи бригадасида карта четларидаги ғўзаларни моллар каллаклаб кетганини кўрасиз. Бригаданинг бир картаси атрофида 5-6 сигир ўтлаб юрибди. Шунга қарамай, бригада бошлиғи ҳам, бошқалар ҳам бунга эътибор бермаганлар.

«Москва» колхозининг ўртоқ Ёндошев бошлиқ бригадасида хом пахтани теришга йўл қўйилмоқда. Калинин қишлоқ Советидаги пахта тайёрлаш пунктига «Октябрь» колхозидан келтирилган 4 арава ва 2 машина пахта 10, 11, 12 процент нам бўлгани учун қайтариб юборилган. Ворошилов номли колхозда ҳам шундай аҳволни кўрамиз. Афсуски, раҳбарлар колхозчиларнинг фидокорона меҳнати билан етиштирилган ва халқ хўжалигимиз учун катта аҳамиятга эга бўлган бойликнинг қадрига етмаётирлар.

Янгийўл районида йиғим-терим ишларини ташкил этишга юзакичилик билан қаралмоқда. мавжуд кучлар пахта теримига тўла сафарбар этилмаган, меҳнатни уюштиришда жуда катта камчиликларга йўл қўйилмоқда. Меҳнат унумини ошириш учун зарур бўлган шартлар таъмин этилмаётир, теримчилар учун қулай маданий-маиший ва иш шароити яратиб берилмаган. Социалистик мусобақа оғиздагина давом этмоқда. Пахта эса нобуд бўлмоқда, хом терилмоқда.

Район партия, совет ташкилотлари, МТСлар пахта йиғим-теримида ва тайёрлашда районнинг ҳаддан ташқари орқада қолаётганлиги сабабларини чуқур ўрганиб, ундан тўғри хулосалар чиқаришлари ва суръатни тезлаштириш учун барча тадбирларни амалга оширишлари керак.

**Б. ХАЛИЛОВ,**

«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

## Совхозларда терим суръатини кескин ошириш керак

Область совхозлари ҳосил топшириши жиҳатидан катта салмоққа эга. Бу йил улар давлатга камида 135 минг тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Ана шу мажбуриятни бажариш учун астойдил меҳнат қилиниб, мўл ҳосил етиштиришга эришилди. Хўжаликни мустаҳкамлаш, пахтачиликни ривожлантиришда совхозларга давлат катта ёрдам бермоқда. Бу йил совхозлар ўтган йиллардагига қараганда жуда кўп миқдорда минерал ўғит ва ҳар турли қишлоқ хўжалик машиналари билан таъминланди. Областимизда янгидан 3 та пахтачилик совхози ташкил этилди.

Шу кунларда илғор совхозларнинг далаларида бўлсангиз етиштирилган мўл ҳосилни сира нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун умумхалқ кураши қизғин тус олиб кетганлигини кўрасиз. Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхозининг ўртоқ Алимов бошқарувчи бўлган 5-бўлимида ҳар бир киши фидокорона меҳнат қилаётганлиги учун кунига йиллик планнинг 2 проценти миқдорида ва ундан ошириб пахта тайёрланаётир. Бўлимдаги ҳар бир ишчи кунига ўрта ҳисоб билан 90-95 килограммдан пахта термоқда.

6-«Кўкорол», «Фарҳод» совхозларида ҳам пахта териш ва тайёрлаш суръати бирмунча яхши. Бу совхозларнинг раҳбарлари ишни бундан кейин ҳам пухта ташкил этиб, беш кунлик графикларни ошириб бажариш тадбирларини кўрмоқдалар.

Лекин, шу нарсани алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, областимиздаги кўпчилик совхозларда пахта йиғим-терими бутунлай қониқарсиз ташкил этилган. Шундай совхозлар борки, сентябрь ойи тугаб бораётганига қарамай, кунига 0,6-0,7 процентдан пахта тайёрлаб, шармандаларча орқада қолмоқдалар. 3-«Боёвут» совхози пахта тайёрлаш планини энди 6 процент бажарибди. Совхоз директори ўртоқ Ҳамидов ҳамон, кўсак яхши очилмаяпти, деган баҳонани рўкач қилишдан уялмаётир. Ваҳоланки, совхоз далаларида бўлган киши ҳамма пайкалларда пахтанинг чамандек очилиб ётганлигини, лекин шу «оқ олтин» ўз вақтида териб олинмаётганлигини кўриб ачинади. Ўртоқ Юсупов директор бўлган Булганин номли совхозда ҳам пахта тайёрлашнинг аҳволи мутлақо талабга жавоб бермайди.

Совхозлар ичида энг орқада қолаётгани «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозидир. Бу совхоз раҳбарлари, даставвал унинг директори ўртоқ Иброҳимов ўз вазифасини жуда ёмон бажармоқда. Совхоз ғўза парвариши даврида орқада қолганидек, йиғим-теримда ҳам жуда кейинда. Ўртоқ Иброҳимов ҳақиқий аҳвол билан таниш эмас. Пахта тераётган ва шу соҳада ишлаётган кишилар учун шароит яратиб берилмаган. Дала ишларига оператив раҳбарлик қилинмайди. Ишни ёмон аҳволга тушириб қўйган бўлим бошқарувчилари, бригадирлар билан муросасозлик қилиб келинмоқда.

Совхозларда терим суръатининг пастлигига асосий сабаблардан бири — ишга яроқли кишиларнинг далага тўла чиқмаётганлигидадир. 3-«Боёвут», Булганин номли, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги», Бушуев номли совхозларда бекорчилар жуда кўп. Бундан ташқари, совхоз раҳбарлари асосий кўпчиликни йиғим-теримга сафарбар қилиш тўғрисида ўйлаб кўрмаётирлар. Область совхозлар трестининг раҳбарлари, айниқса унинг бошлиғи ўртоқ Иброҳимов совхозлардаги аҳволдан тўла хабардор эмаслар. Улар пахта далаларига камдан-кам борадилар. Борганларида ҳам аҳвол билан чуқур танишмай, тезда қайтиб келаверадилар.

Хўжалигида совхозлар асосий роль ўйнайдиган Боёвут районининг раҳбарлари ҳам ишга юзаки қарамоқдалар. Улар совхозларда ишнинг яхшиланишига амалий ёрдам бермаётирлар.

Шу нарса ачинарлики, пахта териш суръати ғоят сустлигига қарамай, ҳосилнинг бир қисми нобуд қилинаётган совхозлар ҳам йўқ эмас. Юқорида айтиб ўтилган «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида ерга тўкилган ва чаноқларда қолиб кетган пахта ҳисобланганда, бир гектар ерга 1 центнерданга тўғри келади. Ахир, шу ҳосилни етиштиргунча жуда кўп меҳнат сарфланган эди-ку! Нима учун ҳосил кўзга кўринганда унинг нобуд бўлишига йўл қўйилаётир?!

Совхозларда пахтани машина билан теришга ҳам ёмон тайёргарлик кўрилаётганлигини айтиб ўтиш керак. Бу йил совхозларда 23 минг гектар ердаги пахтани машина билан териб олиш мўлжалланмоқда. Шунга қарамасдан, ғўзанинг баргига дори сепишга «Малик» совхозидан бошқа бирор совхоз ҳам киришган эмас.

Район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари, область совхозлар трестининг ходимлари совхозлардаги қолоқликни тезда тугатиш учун барча зарур тадбирларни амалга оширишлари, асосий кучни йиғим-теримга тўла сафарбар этишлари керак.

### Область районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1957 йил 26 сентябргача бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

| Районлар | Бир кунлик ўсиш | Мавсум бошидан бери | Районлар | Бир кунлик ўсиш | Мавсум бошидан бери |
|---|---|---|---|---|---|
| Бўстонлиқ | 1,83 | 19,56 | Верхне-волинск | 1,31 | 12,05 |
| Пискент | 2,01 | 18,56 | Уртасарой | 1,56 | 11,99 |
| Оржоникидзе | 1,97 | 16,85 | Сирдарё | 1,40 | 11,43 |
| Урта Чирчиқ | 1,54 | 16,45 | Боёвут | 1,09 | 11,35 |
| Бекобод | 1,33 | 14,81 | Оҳангарон | 1,69 | 10,85 |
| Юқори Чирчиқ | 1,51 | 13,75 | Октябрь | 1,09 | 10,26 |
| Бўка | 1,50 | 13,63 | Чиноз | 1,11 | 9,85 |
| Мирзачўл | 1,42 | 12,33 | Янгийўл | 1,28 | 9,40 |
| Оққўрғон | 1,37 | 12,28 | Калинин | 1,06 | 8,00 |
| Гулистон | 1,36 | 12,23 | Қуйи Чирчиқ | 0,63 | 5,53 |

### Область совхозларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1957 йил 26 сентябргача бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

| Совхозлар | Бир кунлик ўсиш | Мавсум бошидан бери | Совхозлар | Бир кунлик ўсиш | Мавсум бошидан бери |
|---|---|---|---|---|---|
| 6-«Кўкорол» | 2,53 | 25,66 | 1-«Оҳангарон» | 2,33 | 12,0 |
| 3-«Оҳангарон» | 2,33 | 22,0 | «Мирзачўл» | 1,11 | 11,82 |
| 1-«Фарҳод» | 1,30 | 20,03 | «Оққўрғон» | 1,41 | 10,02 |
| «Дружба» | 1,30 | 18,75 | «Гулистон» | 1,03 | 9,89 |
| 4-«Вревский» | 1,46 | 18,54 | Булганин номли | 0,93 | 8,42 |
| «Пискент» | 1,86 | 16,68 | 1-«Боёвут» | 0,86 | 8,81 |
| «Чаноқ» | 1,26 | 14,66 | Бушуев номли | 1,19 | 8,19 |
| «Социализм» | 1,41 | 13,88 | «Малик» | 0,78 | 6,94 |
| 1-«Далварзин» | 1,32 | 12,96 | 3-«Боёвут» | 0,69 | 6,91 |
| 2-«Далварзин» | 1,14 | 12,83 | «УзССР беш йиллиги» | 0,63 | 5,53 |
| Киров номли | 1,37 | 12,28 | 2-«Оҳангарон» | 1,03 | 4,48 |

## Илғорлардан намуна олингиз!

*Сирдарёнинг чевар теримчилари*

1. Сўфия СУВХОНОВА — Тарас Шевченко номли колхоз аъзоси. Мавсумда 20 тонна пахта териш мажбуриятини олган. Ҳозиргача 3000 килограммга яқин пахта териб топширди. Кунига 200 килограммдан ошиқ пахта тераётир.

2. Муротой Очилова — «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозидан. Терган пахтаси 2000 килограммдан ортиқ. Кунига 200 килограммга етказиб пахта тераётир. Мажбурияти 20 тонна.

3. Ҳосила УМАРОВА — Тарас Шевченко номли колхоз аъзоси. Мажбурияти 20 тонна. Кунига 150—170 килограммдан пахта термоқда. Ҳозиргача 2000 килограммдан ортиқ пахта териб қўйди.

## Бушуев номли совхоз тўғрисида бир шингил...

Гулистонда Бушуев номли совхоз бор. Совхозда пахта тайёрлаш тўғрисидаги маълумот билан танишсангиз хилма-хилликни кўриб ажабланасиз.

Қизиқ, бу ерда пахта тайёрлашнинг бориши пасти-баланд. Бир беш кунликда сал кўпроқ пахта берилса, кейинги беш кунликда пастга қараб сирғаниб кетилади. Мана, бир мисол. Совхоз 19 сентябрда 1,01 процент миқдорида пахта топширган эди, эртасига 0,60 процентга тушиб қолди. 23 сентябрга келиб жуда ёмон бўлди, 0,45 процент миқдорида пахта топширилди.

Фактлар ана шуни кўрсатмоқда, лекин совхоз директори ўртоқ Алиев бўлса суръатни гап билан кучайтирмоқчи бўлади. Совхознинг бошқа раҳбарлари ҳам бошлиқдан «намуна» олиб бригадама-бригада, бўлимма-бўлим от чопганлари-чопган.

(Мухбир хабаридан)




М. Леушин чизган расм.

